

*Фаришталар
хақидаги қиссалар.*

Сўз боши.

Фаришталарга иймон келтирмоқлик иймон руқунларининг биридир. Инсон фаришталарга иймон келтирмас экан ҳаргиз мусулмон деб саналмайди. Фаришталар Аллоҳ таоло яратган махлуқотлар жумласидан бўлиб, Аллоҳ уларни нурдан яратган, уларнинг табиатини Ўзига доимо тоат-ибодатда бўладиган қилгандир. Шунинг учун ҳам фаришталар Аллоҳнинг буйруғига асло осий бўлмайдилар ва ўзларига буюрилган барча ишларни бажарадилар. Аллоҳ таоло уларга ҳар хил кўринишда қиёфаланишга куч-қудрат берган бўлиб, фаришталар эркак ҳам аёл ҳам эмас, уйланиш, ейиш-ичишдан беҳожат улуғ бандалардир.

Фаришталарнинг турли вазифалари бор. Айримлари арши аълони кўтариб турадилар, айримлари ваҳий олиб келувчи элчилардир. Фаришталар ичида бандаларнинг амалларини ёзиб борувчи киромун-котибунлар, бандаларни муҳофаза ва ҳимоя қилувчилар, жонларни олишга ва ризқ улашишга муаккал бўлган – ушбу вазифа топширилганлари бордир. Баъзи фаришталар кечаю кундуз тинмай тасбеҳ айтадилар, айримларига эса қабрда савол-жавоб қилиш

вазифаси топширилгандир.

Фаришталарга иймон келтириш тўрт нуқтани ўз ичига олади:

1- Фаришталарни бор эканига шак-шубҳасиз иймон келтирамиз. Уларнинг борлигига шубҳа қилган ёки бировларни шубҳалантирган кимса кофир бўлади.

2- Фаришталардан тафсилоти маълум бўлганларига батафсил, қолганларига умумий суратда иймон келтирамиз. Масалан, Жаброил, Микоил, Исрофил, Молик каби исмларини билган фаришталарга исмлари билан, жон олувчи, амалларни ёзувчи, ёмғир олиб келувчи ва ҳоказо вазифаси маълум бўлган фаришталарга ҳам шундай батафсил иймон келтирамиз. Исмлари ёки вазифаларини билмаганларимизга умумий суратда иймон келтирамиз.

3- Фаришталарнинг сифатлари ҳақида келган ҳадисларга иймон келтирамиз, масалан, уларнинг қуввати, катталиги, қанотлари борлиги ва ҳар-хил шаклларга кира олишликка қодир эканликларига иймон келтирамиз.

4- Уларнинг Аллоҳнинг буйруғига итоат қилишлари ва турли ишларни бажаришларига иймон келтирамиз. Жумладан, уларнинг тасбеҳ айтишлари, кечаю-кундуз ибодатда бўлишлари, мўминларни ҳифзу ҳимоя қилиб, уларга ёрдам

беришлари ва бундан бошқа амалларни бажаришларига иймон келтирамиз.

Қуйида зикр қилинадиган қиссаларда фаришталар ҳақида сўз боради. Ушбу қиссалар орқали биз уларнинг моҳияти, бажарадиган ишлари ва вазифалари ҳақида қисман бўлсада хабардор бўлурмиз.

Чавандоз фаришта.

Бир куни Пайғамбаримиз *-соллаллоҳу алайҳи васаллам-*нинг саҳобаларидан бири, тақводор Абу Маъқил Ал-ансорий *-розияллоҳу анҳу-* тижорат мақсадида йўлга чиқибди. У сармоёга ўзининг молидан ташқари бошқа кишиларнинг ҳам молларини қўшиб олган экан.

Йўлда олдидан бир йўлтўсар, қароқчи чиқиб қолиб, қурол кўтарганича ўшқирибди: "Қўлингдаги нарсаларни борини бу ёққа ташла, ўзинг ҳам тайёр бўл, мен сени ҳозир ўлдираман!"

Абу Маъқил: "Молимни хоҳласанг, олавер. Ўзимга тегма", - деди.

Қароқчи: "Молинг шундоқ ҳам меники, мен сени ўлдирмоқчиман!" – деб бақирди.

Абу Маъқил: "Менга бироз фурсат бер, икки ракъат намоз ўқиб олай", - деб сўради.

Қароқчи: "Хоҳлаганингча ўқиб ол", - деб ижозат

берди.

Абу Маъқил таҳорат олиб, намоз ўқиди ва Аллоҳга дуо қилиб шундай деди: "Эй Аллоҳ! Эй буюк аршнинг Робби! Эй хоҳлаганини қилувчи зот! Мен сени етиб бўлмайдиган азизлигинг билан, тугамайдиган мулкинг билан бу қароқчини ёмонлигидан ўзинг менга кифоя қилмоғингни сўрайман! Эй дуоларни ижобат қилувчи зот! Менга ёрдам бер! Эй дуоларни ижобат қилувчи зот! Менга ёрдам бер!"

Шу пайт кўлида найза ушлаган бир чавандоз бирдан кўринди-да, қароқчига найза санчиб, ўлдирди.

Ғам-ташвишлардан бутунлай фориғ бўлган Абу Маъқил: "Сен кимсан, эй яхши инсон? Аллоҳ сен сабабли менга ёрдам берди", - деб сўради.

Чавандоз: "Мен тўртинчи осмон фаришталаридан бириман, сен дуо қилганигда осмон эшикларидан бир овоз эшитилди, иккинчи бор дуо қилганигда осмон аҳлидан бир қичқирик эшитилди. Кейин учинчи бор дуо қилдинг, "Қаттиқ мусибатга тушган одамнинг дуоси", - деб айтилди, шунда мен Аллоҳдан бу қароқчини ўлдиришни менга топширмоғини сўрадим" – деб жавоб берди.

(Бу Ҳикояни Ибни Абуд-дунё ривоят қилган).

Меҳмон фаришталар.

Аллоҳнинг пайғамбари Иброҳим –*алайҳис-салом*- ҳовлиларида эдилар. Куч-қувватга тўлган, чиройли, келишган йигитлар у кишининг олдига келиб, салом беришди. Иброҳим –*алайҳис-салом*-уларнинг саломларига алик олиб, уларни меҳмондорчиликка таклиф қилдилар.

Дарҳол семиз бир бузоқни сўйдилар-да, уни пишириб, меҳмонларга тақдим қилдилар. Улар таомдан бир луқма ҳам олмай, ўтиравердилар.

Иброҳим –*алайҳис-салом*- меҳмонларнинг бирортаси ҳам таомга қўл урмаганини кўриб, ажабландиларда: "Емайсизларми, олинглар!" - деб таклиф қилдилар.

Шунда ҳам меҳмонлар ҳеч нарса тановул қилишмади. Бу ҳолатдан Иброҳим –*алайҳис-салом*-нинг қалбларига кўрқув келди. Шунда улар Иброҳим –*алайҳис-салом*-ни хотиржам қилиб, ўзларини Аллоҳнинг фаришталари эканилигини айтишди ва Иброҳим –*алайҳис-салом*-га ўғил фарзанд кўриши ҳақида хушxabар етказдилар.

Бу хушxabарни Иброҳим –*алайҳис-салом*-нинг аёли Сора эшитиб ажабландилар ва қўллари билан пешоналарига уриб: «(Ахир мен) туғмас бир кампир(ман)ку!» - дедилар.

Меҳмонлар бу Аллоҳнинг иродаси ва Аллоҳ ҳар

бир ишга қодир эканлигини айтишди.

Жаброил -алайҳис-салом- ва

Сидротул мунтаҳо⁽¹⁾.

Абдуллоҳ ибн Зубайр -розияллоҳу анҳу-момақалди роқ овозини эшитсалар: "Аллоҳ покдир! Момақалди роқ У зотга (Аллоҳга) ҳамду сано билан тасбеҳ айтур. Фаришталар ҳам У зотдан қўрққанлари сабабли (тасбеҳ айтурлар)", – деб айтар, – "Инсонлар учун бу қаттиқ таҳдиддир", – дер эдилар.

Росуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-Каъба ёнида ухлаб ётган эканлар. Ўша вақтларда қурайш қабиласида баъзан Каъба ёнида ухлаш одати бор эди.

Шу вақт Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- олдиларига уч фаришта келиб, улардан бири савол қилди: "Ухлаб ётганларни қай бири Мухаммад -саллаллоҳу алайҳи ва саллам-?".

Иккинчи фаришта: "У уларнинг ичида энг яхшиси", – деди.

Учинчи фаришта: "Уларнинг энг яхшисини

1. Сидротул мунтаҳо – еттинчи осмон юқорисидаги катта дарахт бўлиб, ердан хўтафиладиган ҳамма нарса шу ерда тўхтайди.

олинглар", - деди.

Улар Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни кўтариб, Замзам қудуғи олдига олиб бордилар.

Жаброил -алайҳис-салом- Муҳаммад -алайҳис-салом-ни фаришталардан олиб, кўкракларини ёрди ҳатто ичлари тоза бўлгунича замзам суви билан ювди, кейин тилладан бўлган бир идиш олиб келдилар, бу идиш ичида иймон ва ҳикматга тўла бир идиш бор эди. У билан кўкракларини тўлдириб, кўкракларини ёпди.

Сўнг Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни дунё осмонига олиб чиқдилар. Жаброил -алайҳис-салом- осмон эшикларидан биринчи эшикни тақиллатдилар. Осмон аҳли: "Ким бу?" - деб нидо қилишди. Жаброил -алайҳис-салом- "Мен Жаброилман" - дедилар. Осмон аҳли: "Сен билан бирга ким бор?" - дейишди. Жаброил -алайҳис-салом-: "Муҳаммад" - деди. Осмон аҳли: "У пайғамбар қилиб юборилдими?" - дейишди. Жаброил -алайҳис-салом-: "Ҳа" - дедилар. Осмон аҳли: "Марҳабо хуш келибди" - дейишди.

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- дунё осмонида Одам -алайҳис-салом-ни кўрдилар. Жаброил -алайҳис-салом- росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-га "Бу отангиздир, у кишига салом беринг" - деди. Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- Одам -алайҳис-салом-га салом

бердилар. Одам -алайҳис-салом- саломга алиқ олиб: "Марҳабо, хуш келибсиз, эй ўғлим! Сиз қандай яхши ўғилсиз" - деди.

Кейин Жаброил -алайҳис-салом- Росулulloҳ - саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни еттинчи осмонгача олиб чиқди.

Ҳар-бир осмонда биринчи осмондаги каби савол-жавоблардан сўнг эшик очилар эди.

Сўнг Аллоҳнинг ўзига маълум бўлган ўрингача кўтарилдилар. Ҳатто сидротул мунтаҳога ҳам бордилар...

Тоғлар фариштаси⁽²⁾.

Маккада Пайғамбар -алайҳис-салом-га нисбатан кофирлар озори ниҳоятда қаттиқлашиб кетган вақтлар эди. Пайғамбар -алайҳис-салом- Тоиф аҳлидан ёрдам сўрамоқ мақсадида, Аллоҳдан уларни ҳидоят қилмоқни умид қилиб, Тоиф томон йўл олдилар.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- Тоифга етиб бориб даъватларини изҳор қилганларида, Тоиф аҳолиси Пайғамбар -

2. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- шундай деганлар: "Сизларда тун фаришталари билан кун фаришталари алташиниб турадилар. Улар бомдод намози билан аср намозидида йиғиладилар...". (Бухорий ривояти).

саллаллоҳу алайҳи ва саллам-ни ёлғончига чиқаришиб, бир тўда жоҳилларни пайғамбар - *саллаллоҳу алайҳи васаллам*-га қарши қайраб қўйдилар.

У нодон, жоҳиллар Росулulloҳ -*саллаллоҳу алайҳи васаллам*-га қўл кўтариб, ҳақорат қилди. Бепарда, беҳаё сўзлар билан сўкиб, уриб кўп азият етказди.

Росулulloҳ -*саллаллоҳу алайҳи васаллам*-ғамгин бўлиб Маккага қайтдилар.

Росулulloҳ -*саллаллоҳу алайҳи васаллам*-ийлда қайтиб келаётганларида тепаларида бир булутни кўрдилар. Бу булутда Жаброил -*алайҳиссалом*- бор бўлиб Росулulloҳ -*саллаллоҳу алайҳи васаллам*-га нидо қилиб айтарди:

– "Аллоҳ таоло қавмингизни сизга айтган сўзини ва сизни рад қилганларини эшитди. Аллоҳ сизга тоғлар фариштасини юборди хоҳлаганингизни буюринг".

Шунда тоғлар фариштаси Росулulloҳ -*саллаллоҳу алайҳи васаллам*- га салом бериб нидо қилди:

– "Эй Муҳаммад, Аллоҳ қавмингизнинг сизга айтган гапини эшитди. Мен тоғлар фариштасиман, Аллоҳ мени хоҳлаган буйруғингизни буюришингиз учун юборди. Агар хоҳласангиз, иккита Ахшабни (Маккани ўраб турадиган икки тоғни) олиб,

уларнинг устига ташлайман".

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- олий даражада мурувват қилиб:

– "Йўқ, қўявер. Мен буларнинг авлодлари ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган кишилар бўлиб чиқишини умид қиламан" - дедилар. (*Мутафакун алайҳ*).

Фаришталар дуоси.

Фаришталар иймон келтирган кишиларга мағфират сўрайдилар, мўминлар ҳаққига яхшилик билан дуо қиладилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا﴾ غافر: ٧

«(Фаришталар) Иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар».

Фаришталар мўминларнинг ҳақларига дуо қиладилар, мўминлар дуо қиладиган вақтда уларнинг дуосига жўр бўлиб: "Омийн (Эй Аллоҳ, дуоларини ижобат қил)", – деб айтадилар. Шунинг учун Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бизларга доим яхши дуо қилиб юришни, дуойи бад,

қарғишларни ишлатмасликни тавсия қилганлар.

Абу Салама -розияллоҳу анҳу- вафот этган куни Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- унинг жанозасига келдилар, Муборак қўллари билан Абу Салама -розияллоҳу анҳу-нинг кўзини юмдилар.

Сўнг атрофдаги одамларга: "Руҳ – жон (жасаддан) чиқса, кўз унга эргашиб қолади (яъни, ортидан қараб қолади)", - дедилар.

Шу вақтда Абу Саламанинг оила аъзолари тарафидан овоз эшитилди. Шунда Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-:

– "Ўзларингиз хақингизга фақат яхшилик билан дуо қилинглар. Фаришталар айтаётган сўзларингизга (яъни дуоларингизга) омийн айтиб турурлар", - дедилар.

Кейин Абу Саламани хаққига шундай дуо қилдилар:

– "Эй Аллоҳ, Абу Саламанинг гуноҳларини мағфират қилгин, ҳидоятда бўлган кишилар қаторида унинг ҳам жаннатдаги даражасини юқори қилгин, унинг ортида қолганларига Ўзинг ёрдамчи ва сақловчи бўлгин! Эй оламларни робби! Бизларнинг ва унинг гуноҳларини ўзинг мағфират қилгин, унинг қабрини кенг ва мунаввар қилгин!".

(Муслим ривоят қилган).

Мусаввир фаришталар.

Айрим фаришталар она қорнидаги ҳомилага муваккалдир. Она қорнидаги ҳомила тўрт ойлик бўлганда Аллоҳ таоло бир фариштани юборади ва чақалоқнинг ризқи, умри, қиладиган амали ва саодатманд ёки бадбахт эканини ёзишга буюради.

Аллоҳ таоло айрим фаришталарни инсон яратиладиган нутфага, она қорнидаги эмбрионга сурат бериб, унга руҳ пуфлаб киргазмоқликка муваккал қилган.

Мана шу ҳақида Абдуллоҳ ибну Масъуд - *розияллоҳу анҳу*- айтадилар: "Ҳақиқий бахтсиз кимса онасининг қорнида бахтсиз, деб битиб қўйилган кимсадир, Чин бахтли инсон эса бошқаларнинг ҳолатидан сабоқ чиқариб юрган кишидир".

Бу гапни эшитган кишилардан бири бир саҳобадан сўради:

– "Киши ҳеч қандай амал қилмай туриб, қандай бахтсиз бўлади?"

Саҳобий унга деди:

– "Бундан ажабланма! Чунки мен Росулulloҳ - *саллаллоҳу алайҳи васаллам*-дан ушбу ҳадисни эшитганман: «Агар нутфа қирқ икки кунлик бўлса, Аллоҳ унга (нутфага) бир фариштани юборади. Бу фаришта нутфага шакл беради, қулоғи, кўзи,

териси ва суякларини яратади. Кейин: "Эй роббим, ўғилми ё қизми?" - дейди. Роббингиз хоҳлаганини ҳукм қилади ва фаришта уни ёзади. Кейин фаришта: "Эй роббим, ажали (қачон етади)?" – дейди. Роббингиз хоҳлаганини ҳукм қилади, фаришта эса уни ёзади. Кейин фаришта: "Эй роббим, ризқи (қанча):" - дейди. Роббингиз хоҳлаганини ҳукм қилади ва фаришта эса ёзади. Кейин фаришта қўлида варақ билан чиқади. Бунга зиёда ҳам қилинмайди ва бундан камайтирилмайди ҳам». (Муслим ривоят қилган).

Вафот этган кишини кузатувчи фаришталар.

﴿ وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ وَيُرْسِلُ عَلَيْكُمْ حَفَظَةً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمُ

الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفَرِّطُونَ ﴿٦١﴾ الأنعام: ٦١

«У (Аллоҳ) бандалари устида ғолиб бўлган зотдир. Устингизга (қилган амалларингизни) ёдлаб олгувчи фаришталарни элчи қилиб юборур. Қачонки бировингизга ўлим келса,

элчиларимиз сусткашлик қилмаган ҳолларида унинг жонини олурлар» . Анъом сураси 61- оят .

Бир куни Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бир мусулмонни жанозасига чиқдилар. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам-га миниб олинг, деб бир улов беришди, Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- минмадилар, жаноза ортидан яёв кетдилар. Жанозадан қайтаётганларида эса уловга миниб олдилар.

Шунда саҳобалар нега бундай қилганларини сўрашди. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-:

– «Фаришталар (пиёда) юриб кетаётган эди. Фаришталар юриб кетаётгани сабабли мен ҳам яёв кетдим. Улар кетганларидан кейин миниб олдим», - дедилар. (Абу Довуд ривоят қилган).

Яна бир куни Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- жанозага чиққан эдилар. Айрим кишиларнинг жаноза ортидан уловларда кетаётганини кўриб: «Ҳаё қилмайсизларми?! Аллоҳнинг фаришталари яёв кетаяпти-ю, сизлар бўлса маркабга миниб олгансизлар!» - дедилар. (Термизий ривоят қилган).

Сўроққа тутувчи икки фаришта.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-

майит дафн қилинганидан кейин унинг қабри тепасида туриб:

– «Биродарларингиз хаққига истиғфор айтинглар ва сабот сўранглар, чунки у ҳозир сўроққа тутилаяпти», - деб айтардилар. (*Абу Довуд ривоят қилган*).

Росуллоқ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-саҳобаларга кўп нарсалар хақида хабар берардилар. Шундай хабарлардан бири, банда қабрга қўйилиб, яқинлари кетаётганида уларнинг оёқ овозларини эшитиб ётади. Лекин ҳеч қандай амал қилмоққа қодир бўлмайди. Шу вақт икки фаришта келиб, уни ўтирғизиб қўядилар-да, саволга тутадилар. "Бу пайғамбар (Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи ва саллам-) хақида нима дер эдинг?" - деб сўрайдилар.

Агар майит мўмин киши бўлса, Аллоҳ унга сабот берур. Мўмин банда: "Гувоҳлик бераманки, У киши Аллоҳнинг бандаси ва элчисидурлар", - деб жавоб беради. Шунда ҳалиги фаришталар: "Қара, ана шу жой сенга дўзахда ажратилган жой эди, Аллоҳ унинг ўрнига сенга жаннатдан жой берди", - дейдилар.

Шунда мўмин банда дўзахда ва жаннатда ўзига ажратилган жойларга қарайди. Дўзахдан нажот бериб, жаннатга киритгани учун Аллоҳга кўп ҳамду-санолар айтади. (*Бухорий ва Муслим ривоят*

Қилган).

Фаришталар ва жаннат аҳли.

﴿ وَالَّذِينَ صَبَرُوا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً وَيَدْرءُونَ بِالْحَسَنَةِ السَّيِّئَةِ أُولَئِكَ لَهُمْ عُقْبَى الدَّارِ ﴿٢٢﴾ جَنَّاتٌ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴿٢٣﴾ سَلَامٌ عَلَيْهِمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ ﴿٢٤﴾ ﴾ الرعد: ٢٢ - ٢٤

«Парвардигорларининг Юзини кўзлаб, (меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб, намозларини тўқис адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қилган ҳамда ёмонликни яхшилик билан қайтарадиган зотлар — ана ўшалар учун охираат диёри бордирки, (у диёр) абадий туриладиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга, ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат бўлган солиҳ бандалар билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ йўлида

меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охираат диёри нақадар яхши!». *Раъд сураси, 22-24-оят.*

Росуллоқ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бир кун саҳобаларидан сўрадилар:

– Аллоҳнинг бандалари ичида жаннатга биринчи бўлиб ким киради, биласизларми?

Саҳобалар: "Аллоҳ ва унинг элчиси билур", - дедилар.

Росуллоқ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- уларга дедилар:

– Аллоҳнинг бандалари ичида жаннатга энг биринчи кирувчилар камбағал муҳожирлардир (бошқа ривоятда: камбағаллар ва муҳожирлар), айти шу инсонлар (яъни, камбағал муҳожирлар) сабабли чегаралар кўриқланади – тинч-омон бўлади, офат-балолар келмайди. Булар кўнгилларидаги ҳожатларини ўташга қодир бўлмай вафот этадилар. Аллоҳ ўзи хоҳлаган фаришталарига: «Уларни олдиларига бориб, салом беринглар!» - дейди. Фаришталар (бу буйруқнинг ҳикматини сўраб) айтадилар: "Эй Парвардигор! Биз Сенинг осмонингни маскан тутгувчилармиз, бандаларинг ичида яхшиларимиз, нега бизларни уларнинг олдиларига бориб, салом

беришга буюурсан?". Шунда Аллоҳ айтади: «Улар менга ибодат қилиб, менга бирор нарсани шерик келтирмайдиган бандалар эди. Шулар сабабли чегаралар қўриқланар, инсоният бало-офатлардан сақланар эди. Шундай бўлсада, булар дилларидаги эҳтиёжларини бажаришга қодир бўлмай вафот этган улуғ инсонлардир». Шунда бу камбағалларнинг ҳузурларига ҳар эшиқдан фаришталар кириб дерлар: «(Оллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) **Сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охираат диёри нақадар яхши!**».

Киши суратидаги фаришта.

«Агар сизлар менинг ҳузуримдан чиққанларингиздан кейин ҳам ҳузуримда бўлган ҳолатда давом этсангизлар эди, фаришталар сизларнинг уйлариңизга зиёрат қилиб борар эдилар».(Термизий ривоят қилган).

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бир куни ушбу воқеани ҳикоя қилиб бергандилар:

«Бир киши ўзининг бошқа бир қишлоқда яшайдиган биродарини зиёрат қилмоқ учун йўлга

чиқди. Аллоҳ таоло бу киши ўтадиган йўлига бир фариштани (одам суратида) пойлоқчи қилиб қўйди.

Бу киши фариштанинг олдида етиб келганида фаришта ундан: "Қаерга кетаяпсан?" - деб сўради. У киши: "Мана бу қишлоқдаги биродаримни зиёрат қилгани кетаяпман", - деди.

Фаришта ундан: "Сен унга бирон яхшилик қилганмисан, энди шу яхшиликни тўлиқ қилай деяпсанми (яъни, у сени қулинг ёки болангми, унинг нафақаси сени бўйнингдаю, сен шу нафақани ўтай деяпсанми)? Бошқа бир ривоятда айтилишича: "У сенга бирон яхшилик қилгани-у, сен шу яхшиликка ташаккур билдирмоқ учун кетяпсанми?" – деб сўради.

Ҳалиги киши: "Йўқ, мен уни фақат Аллоҳ учун яхши кўраман, шу сабабдан зиёрат қилаяпман", - деб жавоб берди.

Фаришта: "Мен Аллоҳнинг сенга юборилган элчисиман. Сен у биродарингни Аллоҳ учун яхши кўрганингдек Аллоҳ сени ҳам яхши кўради", - деди.
(*Муслим ривоят қилган*).

Фаришталар кирмайдиган уй.

Росуллоғ -саллаллоғу алайҳи васаллам-шундай марҳамат қилдилар: «Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмайди». (*Бухорий ривоят қилган*).

Мана шунинг учун ит боқиш мумкин эмас, фақат қўриқчилик каби қаттиқ зарурат бўлганда боқиш мумкин бўлади.

Жаброил *-алайҳис-салом-* Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*га бир вақт келмоқни ваъда қилган эканлар. Ўша вақт бўлипти-ю, Жаброил *-алайҳис-салом-* келмапдилар. Шунда Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* қўлларидаги асони ташлаб: "Аллоҳ ҳам унинг элчилари ҳам ваъдасига хилоф қилмайди", - дедилар. Атрофни текшириб кўриб, ётадиган ўринлари остида бир кучукчани кўриб қолдилар. "Эй Ойша, бу ит қачон кирди?" - деб сўрадилар. Ойша *-розияллоҳу анҳа-*: "Аллоҳга қасамки, билмадим", - дедилар. Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* итни чиқариб ташлашга буюрдилар. Ит чиқариб ташлангандан кейин Жаброил *-алайҳис-салом-* келдилар. Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "Ваъда қилдингиз, мен сизни кутиб ўтирдим, нега келмадингиз?" - дедилар. Жаброил *-алайҳис-салом-*: "Уйингиздаги ит мени (уйингизга киришдан) ман қилди. Биз (фаришта)лар ит ва сурат бор уйга кирмаймиз", - деди. *(Муслим ривоят қилган).*

Фаришталарнинг Аллоҳга

ИТОАТ ҚИЛИШИ.

﴿ وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَاسْتَكْبَرَ ﴾

وَكَانَ مِنَ الْكٰفِرِيْنَ ﴿٣٤﴾ البقرة: ٣٤

«Эсланг, (эй Пайғамбар), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди». Бақара сураси, 34-оят.

Аллоҳ таоло фаришталарни инсондан олдин яратди ва ўзига итоат қилмоқни уларнинг табиати қилиб қўйди. Аллоҳ инсонни яратмоқчи бўлганда, фаришталарга: "«Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман", - деди. Фаришталар: «Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз", - дедилар. Аллоҳ улар билмайдиган нарсани билишини хабар берди ва Одамга руҳ пуфлаган вақтда сажда қилишга буюрди. Фаришталар Аллоҳга итоат қилиб, Одамга эҳтиром билан сажда қилдилар.

Аллоҳга итоат қилмоқ фаришталарнинг

табиатларидир. Улар Аллоҳнинг буйруғига осий бўлмадилар ва ўзларига буюрилган нарсани бажарадилар.

Фаришталар ва Росулulloҳ - саллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг фазилатлари

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-шундай марҳамат қилганлар: **«Ким илм талабида йўлга чиқса, Аллоҳ унинг жаннатга бўлган йўлини осон қилиб қўяди».**

Аллоҳ таоло инсонларни бир-биридан фарқли, айримларини афзал қилгани каби, баъзи фаришталарни ҳам бошқаларидан афзал қилгандир. Банданинг тақвоси ва иймони қанча зиёда бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида шу қадар фазилятли бўлади.

Бир куни Абдуллоҳ ибн Аббос -розиаллоҳу анҳу-айтиб қолдилар:

– "Аллоҳ таоло Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни барча пайғамбарлардан ва осмон аҳлидан афзал қилди".

Шунда ёнидаги одамлар сўрашди:

– "Эй Ибни Аббос, Аллоҳ таоло нима билан у зот -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни осмон аҳлидан

афзал қилди"?

Абдуллоҳ ибн Аббос жавоб бердилар:

﴿ وَمَنْ يُقُلْ مِنْهُمْ إِنِّي إِلَهٌُ مِّنْ دُونِهِۦ فَذَٰلِكَ نَجْزِيهِ جَهَنَّمَ كَذَٰلِكَ ۝﴾

نَجْرَى الظَّالِمِينَ ﴿٢٩﴾ الأنبياء: ٢٩

– "Аллоҳ таоло осмон аҳлига «Улардан кимда ким: "Мен Аллоҳдан ўзга илоҳман", - деб айтса, ана ўшани жаҳаннамда жазолаймиз. Биз золим кимсаларни мана шундай жазолаймиз» (*Анбиё сураси 29-оят*), - деди ва Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи васаллам-га: «(Эй Пайғамбар), токи Оллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин кел(ади)ган нарсалар (барча гуноҳларингиз)ни мағфират қилиши учун Биз сизга очиқ-равшан фатҳ — ғалаба ато этдик», - деди. Яъни, самовот аҳлига Аллоҳ таоло қаттиқ ваид қилиб, пўписа қилган бўлса, Муҳаммад -алайҳис-салом-га марҳамат билан, гуноҳларини кечишни ваъда қилиб, юмшоқ хитоб йўллади.

– "Муҳаммад -саллаллоҳу алайҳи васаллам-бошқа пайғамбарлардан нималари билан афзал?", - деб сўрадилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос жавоб бериб айтдилар:

– Аллоҳ таоло бир оятда: **"Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан**

(сўзлайдиган қилиб) **юборганмиз**», деб барча пайғамбарлар фақат ўз қавмига юборилганини маълум қилган. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- эса барча одамларга пайғамбардирлар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: «(Эй Пайғамбар), **Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга** (мўминларга жаннат ҳақида) **хушxabар элтгувчи,** (кофирларни эса дўзах азобидан) **огоҳлантиргувчи** **бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик**». (Доримий ривояти).

Фаришталар ҳаёси

Ҳаё фаришталарнинг хулқларидан бири бўлиб, улар ҳам одамлардек ҳаё қиладилар.

Оиша -розияллоҳу анҳа- дедилар: "Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бир куни уйда сонлари ёки болдирлари очиқ ҳолатда ўтирган эдилар Абу Бакр -розияллоҳу анҳу- киришга изн сўрадилар. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- ўтирган ҳолатларида киришга изн бердилар ва суҳбат қилиб ўтирдилар. Кейин Умар -розияллоҳу анҳу- киришга изн сўрадилар. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- яна ўша ҳолатларида киришга изн бердилар ва суҳбат

қуриб ўтирдилар. Кейин Усмон *-розияллоҳу анҳу-* киришга изн сўрадилар Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* ростланиб ўтириб, кийимларини тузатдилар. Усмон *-розияллоҳу анҳу-* кирдилар ва суҳбат қуриб ўтирдилар.

Оиша *-розияллоҳу анҳа-* айтадилар: Улар чиқиб кетганларидан кейин сўрадим: "Аввал Абу Бакр *-розияллоҳу анҳу-* кирдилар, ҳолатингизни ўзгартирмадингиз, кейин Умар *-розияллоҳу анҳу-* кирдилар, ҳолатингизни ўзгартирмадингиз. Охири Усмон *-розияллоҳу анҳу-* кирганида, ўтириб кийимларингизни тузатдингиз. Бунинг сабаби нима?". Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* жавоб бердилар: "Фаришталар ҳаё қиладиган кишидан ҳаё қилмайманми?!".

Бадр жангидаги фаришталар

Жаброил *-алайҳис-салом-* Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*нинг ҳузурларига келиб: "Бадр жангида қатнашган кишиларни қандай кишилар деб биласизлар?" - деди.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "Мусулмонларнинг энг яхшилари (деб биламиз)", - дедилар.

Жаброил *-алайҳис-салом-*: "Биз фаришталар

ҳам Бадр жангида қатнашганларни энг яхшиларимиз деб биламиз," - деди.

Абу Лаҳаб замзам ёнида ўтириб Бадр жанги хабарларини ва мусулмонлар билан мушриклар ўртасида бўлаётган ҳодисаларни суриштириб ўтирарди. Жанг қатнашчиларидан бири Муғийра ибн Ҳорис исмли киши узоқдан кўриниб қолди. Абу Лаҳаб: "Эй жиян, бу ёққа кел", - деб уни чақирди. - "Бадр жанги ҳақида сўзлаб берсангчи!" - деди.

Муғийра Абу Лаҳабнинг ёнига келиб ўтирди, одамлар ҳам унинг атрофига тўпландилар. Абу Лаҳаб бетоқатлик билан: "Қани, жиян, сўзлачи, нималар бўлди?" - деди.

Муғийра: "Биз уларга ўзимизни тутиб бердик, холос. Хоҳлаганларидек ўлдиришди, хоҳлаганларидек асир олишди. Аллоҳга қасамки, бизнинг жангчиларимизда айб йўқ. Биз оппоқ либосли кишиларга дуч келдик. Улар осмонга туташиб кетадиган, баҳайбат отлар миниб олган эдилар, бирор бир нарсани қолдирмадилар, бирор-бир нарса уларни қаршисида тура олмади," - деди.

Ўтирганлар орасида Абу Рофиъ исмли Аббос ибн Абдулмутталибнинг қули ҳам бор эди. У аввалроқ ислом динини қабул қилган ва мусулмонлигини яшириб юрарди. Муғийра ибн Ҳориснинг сўзларини эшитгач: "Аллоҳга қасамки, сен айтаётган кишилар Аллоҳнинг

фаришталаридир," - деди.

Ҳақиқатан ҳам у жангчилар фаришталар эди. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- Бадр куни жангда: "Ана у қурол-аслаҳасини тақиб, отини бошини ушлаб турган Жаброилдир," - дегандилар.

Бадр жанги куни мушриклар мингга яқин киши эди, саҳобалар эса уч юз ўн тўққиз киши эдилар. Шунда росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- қиблага юзланиб, қўлларини кўтардилар-да, Аллоҳдан ёлвориб дуо қилиб, ёрдам сўрадилар: "Эй Аллоҳ! Менга берган ваъдангни бажо келтир! Эй Аллоҳ! Менга берган ваъдангни амалга ошир! Агар бу мусулмон жамоат ҳалок бўлса, қайтиб Сенга ҳеч ким ер юзида ибодат қилмайди!".

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- шу ҳолда қўлларини кўтариб, Аллоҳга дуо-илтижо билан ёлворишда давом этабердилар, ҳатто елкаларидан ридолари ҳам тушиб кетди.

Абу Бакр -розияллоҳу анҳу- келиб, ридоларини тўғрилаб, елкаларига ташлади ва: "Эй Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- Робингизга қилган бу дуоингиз етар. Албатта, Аллоҳ берган ваъдасини бажо келтиради," - дедилар.

Шунда қуйидаги ояти карима нозил бўлди:

﴿إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَابَ لَكُمْ أَنِّي مُمِدُّكُمْ بِالْفِ مِّنَ الْمَلَائِكَةِ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилиб: «Мен сизларга кетма-кет келадиган минглаб фаришталар билан мадад берурман», - (деду)».

Аллоҳ таоло мусулмонларга фаришталар билан мадад берди. Фаришталар мусулмонлар билан бирга кофирларга қарши жанг қилдилар. Аллоҳнинг изни билан мусулмонларга нусрат келди. *(Муслим ривояти).*

Фаришталар ва яҳудий

﴿ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ فَإِنَّ اللَّهَ

عَدُوٌّ لِلْكَافِرِينَ ﴿٩٨﴾ البقرة: ٩٨

«Ким Оллоҳга ва унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта Оллоҳ (бундай) кофирларга душмандир». Бақара сураси 98-оят.

Абдуллоҳ ибн Салом мусулмон бўлишидан аввал яҳудий эди. Бир куни боғида ишлаб турган вақтида Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи

васаллам-нинг Мадина шаҳрига етиб келганларини эшитиб қолди. У Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига келиб: "Мен сиздан фақат пайғамбар биладиган уч нарса ҳақида сўрайман: қиёматнинг энг биринчи аломати нима; жаннат аҳлининг энг биринчи таоми нима; қачон фарзанд отасига ёки онасига ўхшайди?", - деб сўради.

Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-: "(Мен бу саволларнинг жавобини билмасдим). Ҳозир Жаброил менга хабар берди", - дедилар.

Абдуллоҳ ибн Салом: "Жаброил?!" - деб ҳайрон бўлди.

Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-: "Ҳа", - дедилар.

Абдуллоҳ ибн Салом: "Жаброил фаришталарнинг ичида яҳудийларнинг душмани-ку!" - деди.

Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам- бу оятни тиловат қилдилар:

﴿ قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ، عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا

لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٩٧﴾ البقرة: ٩٧

«Айтинг (эй Пайғамбар): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган

ва мўминларга ҳидоят ва хушxabар бўлган Қуръонни нозил қилди». Сўнг Абдуллоҳ ибн Саломнинг саволларига жавоб бердилар:

«Қиёматнинг энг биринчи аломати инсонларни машриқдан мағрибга қараб тўплайдиган ўт-олов;

Жаннат аҳлининг энг биринчи таоми кит балиғини жигаридан бир бўлак;

Агар кишининг манийси аёлнинг манийсидан илгарилаб кетса, фарзанд отасига ўхшайди, аксинча, аёлнинг манийси илгарилаб кетса, фарзанд онасига ўхшайди", - дедилар. *(Бухорий ривояти).*

Раҳмат фаришталари

Жаннатнинг ҳам, дўзахнинг ҳам фаришталари бордир. Дўзахнинг қўриқчиси Молик исмли фариштадир. Аллоҳ таоло дўзах аҳли хақида шундай деди:

﴿ وَنَادُوا يَمْلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ قَالَ إِنَّكُمْ مَرْكُوتٌ ﴾ الزخرف: ٧٧

«Улар (дўзах ходими бўлган фариштага) «Эй Молик, Парвардигоринг бизларга Ўз ҳукмини қилсин (яъни тезроқ жонимизни олсин, бизлар бу азобдан қутулайлик»), деб нидо қилганларида, у «Албатта сизлар (мана шу азобда мангу)

тургувчидирсизлар», деди».

Илгари ўтган умматларда бир киши бор эди. У тўқсон тўққизта кишини ўлдирган эди. Бир куни у ер юзида энг илмли киши ким, деб суриштириб қолипти. Унга бир узлатда ибодат қиладиган роҳибни кўрсатибдилар.

У роҳибнинг олдига бориб, ўзининг қиссасини айтиб берди ва: "Мен тавба қилсам, тавбам қабул бўладими?" - деб сўради.

Роҳиб: "Йўқ, сен жуда кўп гуноҳ қилибсан, тавбанг қабул бўлишидан умид йўқ", - деди.

Роҳибнинг сўзларидан аччиқланиб кетиб, уни ҳам ўлдирибти-да, мақтуллар сонини юзтага етказибди.

Кейин яна ер юзидаги энг илмли киши ким, деб суриштира бошлабди. Унга бир олимни кўрсатибдилар.

Олимнинг ҳам олдига бориб, қиссасини айтибди-да: "Тавба қилсам бўладими?" - деб сўрабди.

Олим: "Ҳа! Сени тавбадан нима тўсади? Тавба қил! Лекин сен яшайдиган ер номаъқул ер экан. Шунинг учун у ердан фалон ерга кўчиб кет. Чунки у ерда Аллоҳга ибодат қиладиган одамлар кўп, улар билан бирга Аллоҳга ибодат қиласан. Ўз юртинга қайта кўрма, юртинг ёмон ер экан", - дебди.

Савол сўраган киши жавобдан хурсанд бўлибди. Дарҳол олимнинг сўзини бажаришга киришибди –

яшаган юртидан бош олиб, олим айтган томонга отланибди. Ярим йўлга етганда ажали етиб, оламдан ўтибди. Жонини олган келган раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари тортишиб қолибдилар. Раҳмат фаришталари: "У сидқидилдан тавба қилиб, қалби билан Аллоҳга юзланиб келаётган эди," - дердилар. Азоб фаришталари эса: "У ҳеч қачон яхшилик қилмаган," - дедилар.

Уларнинг олдида одам суратида бир фаришта келибди. Аллоҳ таоло бу фариштани уларга ҳақ ҳукм билан ажрим қилмоқ учун юборган экан. Фаришталар уни ўзлари ўрталарида ҳукм чиқарувчи ҳакам бўлишини сўрадилар. Одам суратидаги фаришта: "Икки ернинг оралиғини ўлчаб кўринглар, қай бирига яқин бўлса, ўша ер аҳлидан бўлади", - деб ажрим қилди. Ўлчаб кўришди. У боришни мақсад қилган қишлоққа яқинроқ экан. Шунда унинг жонини раҳмат фаришталари олиб кетдилар. *(Муслим ривояти).*

Фаришталар Росулulloҳни - саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни ҳимоя қиладилар.

﴿ وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ دَابَّةٍ وَالْمَلَائِكَةُ وَهُمْ لَا

يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٤٩﴾ يَخَافُونَ رَبَّهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٥٠﴾ النحل: ٤٩

٥٠ -

«Осмонлар ва Ердаги барча жониворлар ва фаришталар ҳам кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ёлғиз Аллоҳга сажда қилурлар. Улар устиларидаги (уларни кузатиб турган) Парвардигорларидан қўрқурлар ва фақат ўзларига амр этилган ишларнигина қилурлар». Наҳл сураси, 49-оят.

Уҳуд жанги куни мушриклар Росулulloҳ - саллаллоҳу алайҳи васаллам- тарафга қараб юзланди. У зот -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни ҳар-хил йўллар билан ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Бунини кўрган баъзи саҳобалар Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- тарафларига қараб шошилдилар ва мушрикларнинг ҳужумидан ҳимоя қилмоқ учун Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- ни ўраб олдилар.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни

ҳимоя қилаётганлар ичида оқ кўйлак кийиб олган иккита нотаниш жангчи ҳам бор эди. Бу икки жангчи жуда қаттиқ урушар эди. Бу икки жангчи Жаброил билан Микоил эдилар.

Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-га ўқ ҳар томондан келарди, лекин бирортаси у зотга тегмасди. Саъд ибн Аби Ваққос дедилар: "Мен Уҳуд жанги куни Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-ни кўрдим, у кишини олдиларида оппоқ кўйлак кийиб олган икки киши ул зотни ҳимоя қилиб жуда қаттиқ урушар эди. Бу икки жангчини илгари ҳам кўрмаганман, кейин ҳам кўрмадим".
(*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Шиҳоб (у вақтда мушрик эди) Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-ни ўлдириш учун излаб, дўстларига: "Менга Муҳаммадни кўрсатинглар, агар у нажот топса, мен нажот топмадим!" - деб бақирар эди. Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам- унинг ёнгинасида турардилар, лекин у Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-ни кўрмасди. Чунки Аллоҳ уни кўзини Росулulloҳ -саллalloҳу алайҳи васаллам-ни кўришдан кўр қилиб қўйган эди.

Жанг тугаганидан кейин Сафвон Абдуллоҳ ибн Шиҳобни айблади, Абдуллоҳ ибн Шиҳоб: "Аллоҳга қасамки уни кўрмадим, Аллоҳга қасамки у биздан

ҳимоя қилинган, уни ўлдириш учун тўрт одам чиқдик, лекин бирор бир нарсага эриша олмадик," - деди.

Сайёҳ фаришталар

Аллоҳнинг яратган махлуқотларини ичида Аллоҳга энг кўп итоат қилувчилари фаришталардир. Аллоҳ таоло улар хақида шундай дейди:

﴿ يُسَبِّحُونَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ ﴾ (الأنبياء: ٢٠)

«(Фаришталар) Чарчамасдан кечаю-кундуз Аллоҳга тасбеҳ айтадилар».

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- дедилар:

"Аллоҳнинг шундай фаришталари борки, улар Аллоҳни зикр қилаётган бандаларни излаб кўчаларда юрадилар. Агар Аллоҳни зикр қилаётган қавмни топсалар: "Қидириб юрган нарсаларингизга келинглар" - деб бир-бирларини чақирадилар. Қанотлари билан уларни (яъни зикр қилиб ўтирганларни) ўраб, қуршаб оладилар-да, уларнинг атрофида тўпланиб, дунё осмонига қадар кўтариладилар.

Аллоҳ бандаларининг ҳолатларини яхши билса

ҳам, у фаришталардан сўрайди: "Бандаларим нима деяптилар?"

Фаришталар: "Улар сенга тасбеҳ ва такбир айтяптилар ва сени улуғлаяптилар" - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Улар мени кўрганмилар?" - дейди.

Фаришталар: "Йўқ улар сени кўрмаганлар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Агар мени кўрганларида қандай бўлардилар?" - дейди.

Фаришталар: "Агар улар сени кўрганларида, сенга янада кўпроқ ибодат қилардилар, сени янада кўпроқ улуғлардилар ва сенга кўп тасбеҳлар айтардилар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Улар мендан нима сўраяптилар?" - дейди.

Фаришталар: "Улар сендан жаннатни сўраяптилар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Улар жаннатни кўрганмилар?" - дейди.

Фаришталар: "Йўқ, улар жаннатни кўрмаганлар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Агар жаннатни кўрсалар қандай бўлардилар?" - дейди.

Фаришталар: "Агар улар жаннатни кўрганларида эди, жаннатга ҳозиргидан ҳам кўпроқ интилиб, жаннатни жуда қаттиқ хоҳлардилар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Улар нимадан паноҳ

тилаяптилар?" - дейди.

Фаришталар: "Улар дўзахдан паноҳ тилаяптилар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Улар дўзахни кўрганмилар?" - дейди.

Фаришталар: "Йўқ, улар дўзахни кўрмаганлар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Агар дўзахни кўрганларида қандай бўлардилар?" - дейди.

Фаришталар: "Агар улар дўзахни кўрганларида эди, ундан янада кўпроқ сақланиб, кўпроқ қўрққан бўлур эдилар," - дейдилар.

Аллоҳ таоло: "Гувоҳ бўлинглар, мен уларнинг барча гуноҳларини кечирдим," - дейди.

Шунда бир фаришта: "Уларни орасида фалончи ҳам бор. У улардан эмас. Фақат бир иш учун келган," - дейди.

Аллоҳ таоло: "Уни ҳам кечирдим, бу қавм билан бирга ўтирган киши бахтсиз бўлмайди," - дейди.

Фаришта Жаброил -алайҳис-салом-

Жаброил -алайҳис-салом- пайғамбарларга ваҳий олиб келишга вакил қилингандир.

Росуллоқ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам ибодатда

эдилар. Рамазон ойида Макканинг ташқарисидаги Ҳиро номли ғорда ибодат қилиб ўтирган эдилар. Ҳузурларига Жаброил -алайҳис-салом- келиб: "Ўқинг!" - деди.

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-: "Мен ўқишни бимайман," - дедилар.

Жаброил -алайҳис-салом- Росулуллоҳ - саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни бир сиқиб, қўйиб юборди-да, яна: "Ўқинг!" - деб айтди.

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- бу сафар ҳам: "Мен ўқишни билмайман," - дедилар.

Жаброил -алайҳис-салом- иккинчи бор Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни сиқиб, қўйиб юборди ва: "Ўқинг!" - деди.

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- яна: "Мен ўқишни бимайман," - дедилар.

Жаброил -алайҳис-салом- учинчи бор Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни сиқиб, қўйиб юборди ва:

﴿ أَقْرَأْ بِأَسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ أَقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿٣﴾ ﴾

الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿٤﴾ العلق: ١ - ٤

«(Эй Пайғамбар, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг!. У инсонни лахта қондан

яратган (зотдир). **Ўқинг!** **Сизнинг Парвардигорингиз** (инсониятга) **қаламни** (яъни ёзишни — хатни) **ўргатган ўта карамли зотдир**», - деди.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- қалблари титраган ҳолда уйга қайтдилар. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- Хадича -розияллоҳу анҳа- ҳузурига кирдилар. Хадича -розияллоҳу анҳа- Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-ни тинчлантириб, амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал олдига олиб борди. Варақанинг ёши катта эди. Варақа Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг сўзларини эшитиб: "Бу Мусо -алайҳис-салом-га келган Жаброил пайғамбардир," - деди.

Фаришталар ва Қуръон

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- шундай марҳамат қилдилар: «Қайси бир қавм Алллоҳни зикр қилиб ўтирадиган бўлса, албатта, уларни фаришталар ўраб, қуршаб оладилар, уларни ҳар тарафларидан раҳмат қамраб олур, уларга сокинлик тушур ва Аллоҳ ўзининг ҳузурига бўлган (фаришталар) жамоасида уларни (мақтаб) зикр қилур».

Тунларнинг бирида Усайд ибн Хузайр - розияллоҳу анҳу- отини боғлаб қўйиб, бир чеккада намоз ўқиётган эди. Усайд -розиаллоҳу анҳу- хушовоз киши бўлиб, қуръони каримни жуда ёқимли тиловат қилар экан. Ўша тунда Бақара сурасидан ўқий бошлабди. Бирдан оти безовталаниб, боғлаб қўйилган ерида у ёқ-бу ёққа ирғиб, сакрай бошлабди. Усайд қироат қилишдан тўхтаса, от ҳам тинчланар экан. Яна қироат қилса, от ҳам яна безовта бўлиб, ўзини у ёқ-бу ёққа ота бошлабди. Усайд яна қироат қилишдан тўхтаган экан, от ҳам тинчланибди.

Усайд -розиаллоҳу анҳу- учинчи марта яна қироатни давом эттирибди. От яна безовталаниб, у ёқ-бу ёққа ўзини ураётганини кўриб, Усайд -розиаллоҳу анҳу- яна қироатини тўхтатибди. Чунки Усайднинг ўғли Яҳё отга яқин ерда ухлаб ётган экан. Ўғлини от босиб, тепкилаб юборишидан қўрқиб, тез намозини тугатибди-да, ўғли Яҳёни четроққа олиб қўйибди.

Шу вақт Усайд -розиаллоҳу анҳу-нинг кўзи осмонга тушиб қолибди ва илгари ҳеч кўрмаган ажойиб бир манзарани кўрибди. Осмонда сояга ўхшаш бир нарса кўринар, унинг ичида эса чироқларга ўхшаш товланиб турган бир ажиб хилқат бор эди.

Тонг отгач Усайд -розиаллоҳу анҳу- Росулulloҳ -

саллаллоҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига бориб, тундаги воқеани айтиб берди.

Унинг сўзларини диққат билан эшитиб турган Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* "Эй Ҳузайрнинг ўғли, қироатни тўхтатмай ўқишинг керак эди! Эй Ҳузайрнинг ўғли, қироатни тўхтатмай ўқишинг керак эди!" - дедилар.

Усайд *-розияллоҳу анҳу-*: "Эй Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*, ўғлим Яҳё отга яқин ерда ётган эди, от уни босиб ташлашидан қўрқиб, унинг олдига бордим. Шу пайт осмонга кўзим тушди, сояга ўхшаш бир нарса кўрдим, унинг ичида эса чироққа ўхшаб товланиб турган бир нарса бор эди. Бу нарса аста кўтарилиб кетди ва менга кўринмай қолди", - деди.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "У нарсанинг нима эканини биласанми?" - дедилар.

Усайд *-розияллоҳу анҳу-*: "Йўқ," - деб жавоб берди.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "Улар фаришталар эди, сенинг товушингга келган эдилар. Агар тиловатда давом этганинда эди, улар одамларга кўринар ва одамлар эса уларни кўрар эдилар. *(Бухорий ривояти)*.

Фаришталар яхши кўрадилар ва ёмон кўрадилар

Фаришталарга иймон келтирмоқнинг мусулмонлар ҳаётида катта самаралари бор. Бу самараларидан бири Аллоҳнинг нақадар кучли, қувватли ва ҳукми юривчи буюк зот эканини билишдир. Чунки яратилган бандаларнинг буюклиги Яратувчининг буюк эканига далилдир.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- фаришталар Аллоҳ яхши кўрган кимсани яхши кўришларини ва Аллоҳ ёмон кўрган кимсани ёмон кўришларини хабар бердилар.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- дедилар: "Агар Аллоҳ бир бандани яхши кўрса Жаброил -алайҳис-салом-га нидо қилади: "Аллоҳ фалончини яхши кўради сен ҳам уни яхши кўр".

Жаброил -алайҳис-салом- уни яхши кўради ва осмон аҳлига: "Аллоҳ фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар" - деб нидо қилади, шунда осмон аҳли ҳам уни яхши кўрадилар. Кейин ерда унга қабул бўлади (яъни, одамларнинг қалбида унга муҳаббат бўлади, одамлар ундан рози бўладилар ва унга мойил бўладилар).

Агар Аллоҳ бир бандага ғазаб қилса Жаброил -алайҳис-салом-га нидо қилиб: "Мен фалончини

ёмон кўрдим сен ҳам уни ёмон кўр" - дейди. Жаброил *-алайҳис-салом-* уни ёмон кўриб, осмон аҳлига: "Аллоҳ фалончини ёмон кўрди, сизлар ҳам ёмон кўринглар", - деб нидо қилади. Осмон аҳли ҳам уни ёмон кўрадилар. Кейин ерда уни ёмон кўришади (яъни, одамлар қалби унга зид бўлиб қолиб, ҳамма уни ёмон кўради, ундан нафратланади). *(Муслим ривояти)*.

Инсон азиятланган нарсадан фаришталар ҳам азият чекади

Аллоҳ таоло фаришталарга турли ишларни топшириб қўйган. Айрим фаришталар одамларни турли бало-офатлардан, кўнгилсиз ҳодисалардан ҳимоя қилсалар, бошқалари одамларнинг қилаётган амалларини номайи аъмолларига ёзиб борадилар. Инсонларнинг шу каби манфаатлари учун фаришталар муаккалдир. Инсонлар Аллоҳ таолонинг бу иноятига шукр қилмоқлари фаришталарга иймон келтиришнинг самараларидан биридир.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* пиёз ва саримсоқ пиёз еб масжидга кирмоқдан қайтарганлар. Шу нарсаларни егиси келган кишиларни аввал ҳидини кеткизиб, яхшилаб

пишириб, кейин ейишга буюрганлар. Чунки бу сабзавот, ўсимликларнинг ҳидидан одамлар ҳам, фаришталар ҳам бир хилда озор тортадилар.

Бир кун бир саҳоба шу ўсимликлардан бирини еб масжидга кирган экан. Бадбўй ҳид масжиддаги намозхонларга азият етказди. Шунда Росулulloҳ - саллаллоҳу алайҳи васаллам- дедилар: «Ким бу ёмон ҳидли ўсимликдан еган бўлса, (то ҳиди йўқолгунча) масжидларимизга яқинлашмай турсин. Чунки фаришталар ҳам инсонлар озор чекадиган нарсадан озор тортади". (Муслим ривоят қилган).

Фаришта ва Шаҳид

Фаришталарга иймон келтирмоқ самараларидан бири уларни яхши кўрмоқдир. Чунки улар доимо Аллоҳнинг ибодатида қоим бўлиб, ҳамиша Аллоҳнинг буйруқларига итоат қиладилар.

Уҳуд жанги куни Жобирнинг отаси Абдуллоҳ шаҳид бўлди. Муслмонлар уни юзи ёпиқ ҳолатда олиб келдилар. Чунки Мушриклар унинг қулоқ-бурунларини кесиб ташлаган эди. Жобир отасининг юзини очмоқчи бўлди. Одамлар қайтардилар. Шунда Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- отасининг юзини очиб кўришига

рухсат бердилар.

Отасининг юзи очилган вақтда бир аёлнинг Жобирнинг отаси номини айтиб йиғлаётганини эшитдилар. Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- "Ким йиғлаяпти?" - дедилар. "Амирнинг қизи (яъни Жобирнинг аммаси)" - деб жавоб беришди.

Росулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- "Нега йиғлайди?! Ахир фаришталар унга бу ёққа олиб келгунларига қадар соя қилиб турган бўлса?! (Яъни, фаришталар ҳам ҳурмат қилиб, унинг атрофида хизмат қиладиган даражада улуғ мартабага мушарраф бўлди. Бу ишдан хурсанд бўлмоқ керак, йиғлаш эмас)". *(Бухорий ва Муслим ривояти).*

Булут фаришталари

Аллоҳ таоло айрим фаришталарга аниқ бир ишларни вазифа қилган. Айрим фаришталарни ёмғирга, айрим фаришталарни тоғларга, айрим фаришталарни ризқларга вакил қилган.

Бир куни бир киши йўлда кетаётган эди. Осмондаги булутдан "Фалончининг боғини суғор", - деган овозни эшитди. Булут осмонда сузиб узоқлаша бошлади. Бояги киши булутнинг

орқасидан эргашди.

Булут бир ерга бориб ўзидаги сувни тўқди – ёмғир ёғди. Ёмғир сув тўпланиб, бир тарафга қараб оқа бошлади. Бояги киши сувнинг орқасидан эргашди.

Сув айланиб-айланиб бир боғга етиб борди. Боғнинг эгаси кўлидаги бел билан оқиб келаётган сувни боғ томонга бурар эди.

Бояги киши: "Эй Аллоҳнинг банбаси, исминг нима?" - деб сўради.

Боғнинг эгаси: "Фалончи", - деб булутдан эшитилган исмни айтди-да, "Нега исмингни сўрадинг?" - деб у ҳам савол қилди.

Аввалги одам: "Мана бу сувни ёғдирган булутдан: "Фалончининг боғини суғоргин" - деб сенинг исминг зикр қилинганини эшитдим. Бу боғингда қандай сир-синоат бор?" - деди.

Боғнинг эгаси: "Сен бу хабарни айтганинг учун ҳам айтаман. Мен бу боғдан чиқадиган ҳосилнинг учдан бирини садақа қиламан, учдан бирини оилам билан ўзим ейман, учдан бирини боғнинг ўзига сарфлайман" - деди. *(Муслим ривояти).*

Аллоҳ таоло булутларга фаришталарни вакил қилиб қўйган. Фаришталар булутларни Аллоҳ буюрган ўринга олиб борадилар.

Хуш-хабар берувчи фаришталар

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- айтдилар: «Фаришталар нурдан яратилган, жинлар тутунсиз оловдан яратилган, одам эса сизларга айтилган нарсадан (балчиқ лойдан) яратилган». (Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло Марям -алайҳас-салом-га Закариё -алайҳис-салом-ни вакил қилиб қўйди. Ҳар қачон Закариё Марямнинг олдига — ҳужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрарди.

﴿ قَالَ يَمْرُؤُا أَنَّىٰ لَكَ هٰذَا ۗ ﴾  آل عمران: ۳

У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» — деб сўраганида (Марям) жавоб қилди:

﴿ قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴾  آل عمران: ۳۷

«Булар Оллоҳ ҳузуридандир. Албатта Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур». Шунда Закариё Парвардигорига дуо қилиб деди:

«Эй Роббим, менга ҳам Ўз ҳузуридан бир покиза фарзанд ато эт».

Закариё -алайҳис-салом-нинг ёши катта, қария эди, аёли ҳам туғмас эди. Аллоҳ у кишининг дуоларини ижобат қилиб, у кишига хушхабар бермоқ учун фаришталарни юборди. Аллоҳ таоло

қуръонда бу ҳақда бундай деган:

﴿فَنَادَتْهُ الْمَلَائِكَةُ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي فِي الْمِحْرَابِ أَنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيحْيَىٰ

مُصَدِّقًا بِكَلِمَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿٣٩﴾ آل عمران:

۳۹

«Фаришталар унга ниҳо қилдилар: «(Эй Закариё), Аллоҳ сенга Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд хушxabарини берур».

Фаришталар ва Марям -алайҳас-салом-

Росулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- айтдилар: "Қайси бирингиз бир жойда намоз ўқиб, бировга гапирмасдан, ҳеч кимга озор бермай, шу намоз ўқиган жойида ўтирадиган бўлса, фаришталар: «Эй Аллоҳ, бу бандангни мағфират қил, эй Аллоҳ, унга раҳм айла, эй Аллоҳ, унинг тавбасини қабул қил», - деб унинг ҳаққига дуода бўладилар.

Марям -алайҳас-салом- ёшлигидан тоат-ибодатда ўсиб, солиҳа аёл бўлиб улғайди. Марям -

алайҳас-салом-нинг онаси уни Аллоҳга назр қилган эди ва Аллоҳга ибодат қилиб катта бўлиши учун ибодатхонага олиб келиб берган эди.

Марям -алайҳас-салом- вояга етганидан сўнг фаришталар унинг олдига келиб, Аллоҳ уни бошқалардан саралаб, танлаб олгани ҳақида хушхабарни бердилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ وَإِذْ قَالَتِ الْمَلَأِكَةُ يَمْرِيْمُ إِنَّ اللّٰهَ اصْطَفٰنِكَ وَطَهَّرَكَ وَاَصْطَفٰنِكَ عَلٰى

نِسَاءِ الْعٰلَمِيْنَ ﴿٤٢﴾ يَمْرِيْمُ اَقْنِيْ لِرَبِّكَ وَاَسْجُدِيْ وَاَرْكِعِيْ مَعَ الرَّاكِعِيْنَ

﴿٤٣﴾ آل عمران: ٤٢ - ٤٣

«Фаришталар Марямга: «Ё Марям, албатта Аллоҳ сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва (барча гуноҳлардан) поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди. Ё Марям, Парвардигорингга итоат қил ва рукуъ (Аллоҳга ибодат) қилгувчилар билан бирга сажда ва рукуъ (яъни ибодат қил!)» — деганларини эсланг!}.

Марям -алайҳас-салом- бу хушхабардан қувонди. Фаришталар бошқа бир хушхабарни ҳам етказдилар:

﴿ إِذْ قَالَتِ الْمَلَأِكَةُ يَمْرِيْمُ إِنَّ اللّٰهَ يُبَشِّرُكَ بِكَلِمَةٍ مِّنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيْحُ

عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ وَجِيهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٥﴾ وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي

الْمَهْدِ وَكَهَلًا وَمِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٤٦﴾ آل عمران: ٤٥ - ٤٦

«Эсланг (эй Пайғамбар), фаришталар: «Ё Марям, албатта Аллоҳ сенга Ўзининг Сўзини хушхабар қилиб берадики, унинг исми ал-Масиҳ Ийсо ибни Марям бўлиб, дунёю охиратда обрўли ва (Аллоҳнинг) яқинларидан бўлур ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам, вояга етган чоғида ҳам (бир хил) гапирур. Ва солиҳ бандалардан бўлур», деганларида,

﴿قَالَتْ رَبِّ أَنَّى يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَمَسِّنِي بَشَرٌ﴾ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا

يَشَاءُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿٤٧﴾ آل عمران: ٤٧

Марям: «Парвардигорим, менга одамзод тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?» — деди.

Аллоҳ айтди: «Шундай, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсасини (Ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: «Бўл!» — дейди. Бас, у иш бўлади».

Фаришталарнинг қўл бериб

кўришиши

Росуллоқ -саллаллоқ алайҳи васаллам- айтдилар: **«Мадинанинг (кириш) кўчаларида фаришталар бор, вабо ҳам дажжол ҳам Мадинага (асло) кира олмайди»**. (Бухорий ривояти).

Бир куни Мадина кўчаларидан бирида Абу Бакр -розияллоқ анҳу- Ҳанзала -розияллоқ анҳу-ни учратиб қолдилар. Ҳанзала -розияллоқ анҳу- жуда ғамгин, қайғуда эди.

Абу Бакр -розияллоқ анҳу-: "Эй Ҳанзала, тинчликми, хафа кўринасан?", – деди.

Ҳанзала -розияллоқ анҳу-: "Мен мунофиқман, шекилли" - деб жавоб берди.

Абу Бакр -розияллоқ анҳу-: "Субҳаналлоҳ! Нималар деяпсан?!" - деди.

Ҳанзала: "Росуллоқнинг ҳузурларида бўлганимизда У зот бизга жаннатни ва дўзахни эслатадилар. Биз уларни ўз кўзимиз билан кўргандек бўламиз. Росуллоқ -саллаллоқ алайҳи васаллам- ҳузурларидан чиқсак, яна хотин, бола-чақа ва тирикчилик ташвишига тушамиз, У зот олдиларидаги руҳий ҳолатни унутамиз", - деди.

Абу Бакр -розияллоқ анҳу-: "Аллоқга қасамки, менда ҳам шундай бўлади" - деди.

Кейин Абу Бакр ва Ҳанзала -розияллоқ анҳума- иккиси Росуллоқ -саллаллоқ алайҳи васаллам-

ҳузурларига бордилар.

Ҳанзала *-розияллоҳу анҳу-*: "Эй Росулulloҳ! Ҳанзала мунофиқ бўлди, шекилли", - деди.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "Нима бўлди, нега бундай деяпсан?" - дедилар.

Ҳанзала: "Эй Росулulloҳ, биз сизнинг ҳузурингизда бўлганимизда бизга жаннатни ва дўзахни эслатасиз. Биз уларни ўз кўзимиз билан кўргандек бўламиз. Ҳузурингиздан чиққанимиздан сўнг хотин, бола-чақа ва тирикчилик билан овора бўлиб, у руҳий ҳолатни унутамиз," - деди.

Росулulloҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*: "Эй Ҳанзала, жоним эгаси бўлган Аллоҳга қасамки, агар сизлар менинг ҳузуримда бўлган ҳолатларингиздай ҳолатда, доимо зикр қилмоқда давом этсангизлар эди, фаришталар сизлар билан кўчаларда қўл бериб кўришарди. Лекин, эй Ҳанзала, бир ундай, бир бундай бўлади (яъни, киши бундай ҳолатга тушса, мунофиқ бўлмайди)", - деб жавоб бердилар.

Саҳифаларимиздаги манбаълардан Аллоҳ азза ва жалла розилиги йўлида бемалол ишлатаверинг, тижорат мақсадида эмас,

<http://www.musulmanin.com>